


**Бажарилиши бир йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси**

**“Ветеринария ва чорвачилик фанлари” йўналиши бўйича**

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Сунъий уруғлантириш самарадорлигини ошириш учун липосомалар ва бошқа биологик фаол моддалар ёрдамида насли буқалар спермасини криоконсервациялаш технологиясини яратиш</p> 	<p><b>Тадқиқот шакли:</b> Сунъий уруғлантириш самарадорлигини ошириш учун липосомалар ва бошқа биологик фаол моддалар ёрдамида насли буқалар спермасини криоконсервациялаш технологиясини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p><b>Илмий тадқиқот натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- криоконсервациядан олдин ва кейин сперматозоидларнинг биокимёвий ва физиологик параметрларига суюлтирувчиларнинг янги таркибини таъсири ўрганилади;</li> <li>- янги яратилган липосомали ва бошқа биологик фаол моддалар суюлтиргичнинг қайта эритилган сперма таркибидаги спермийлар фаоллиги ва оталантириш кўрсаткичларига ҳамда сунъий уруғлантириш самарадорлигига таъсири ўрганилади;</li> <li>- тадқиқотлар натижасида юқори маҳсулдор қимматбаҳо қорамол зотларидан олинган спермани криоконсервациялаш ва узоқ муддатга сақлаш учун липосомадан ва бошқа БФМ фойдаланилган янги суюлтиргич муҳитлар таркиби яратилади;</li> <li>- янги яратилган липосомали ва бошқа БФМ суюлтиргичларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан буқалар спермасини криоконсервациялаш учун суюлтиргич муҳитларни чет давлатлардан импорт қилишнинг 80-90 фоизга камайтирилишига эришилади.</li> </ul> <p><b>Натижаларни синовдан ўтказиш:</b> Тадқиқот натижалари “Ўзнаслхизмат” корхонаси, қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида синовдан ўтказилади.</p> <p><b>Илмий натижаларни чоп этиш:</b> Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center"><b>0,85 млрд сўм</b></p>
<b>Жами йиллик:</b>			<b>0,85 млрд сўм</b>

*\*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,85 млрд сўм ва бажарилиши бир йилга мўлжалланган.*